



**INNOVATIVE
ACADEMY**

№ EJLFAS2307-00040

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION AKADEMIYA
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**

DIPLOM

Ushbudiplom «Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences» xalqaro ilmiy jurnali (ISSN: 2181-2853) 2023 yil 7-sonida nashr etilgan quyidagi ilmiy maqolagamualliflikqilganligiuchunberildi:

**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Maqolanashretilgansana:
Maqolamuallif(lar)i:

12.07.2023
Рихсимов Комрон Абровович

«Innovative
AcademyRSC» MChJ



Platformaguvohnoma
raqami:1206-son

Sana: 12.07.2023

MAQOLA INDEKSLANGANI TO'G'RISIDA

МА'ЛУМОТНОМА

Maqola nomi: ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Maqola muallif(lar)i: Рихсимов Комрон Абборович

Jurnal nomi: Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences


1. Universal impact factor: 8.3
OAK ro'yxatida 43-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli Gruziya xalqarojurnallar ko'rsatkichi
2. Scientific journal impact factor: 5.961
OAK ro'yxatida 23-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqarojurnallar ko'rsatkichi
3. Citefactor:
OAK ro'yxatida 16-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqarojurnallar ko'rsatkichi
4. Crossref
OAK ro'yxatida 35-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqarojurnallar ko'rsatkichi
5. Directory of Research Journals Indexing:
OAK ro'yxatida 15-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro ilmiy baza bo'lib, 135 davlatda keng qo'llaniladi.
6. Scientific Indexing Service:
OAK ro'yxatida 19-raqam bilan e'tirof etilgan nufuzli xalqaro ilmiy baza
7. IJIFACTOR Indexing:
Hindistonning nufuzli jurnallar ko'rsatkichi aks etgan xalqaro ilmiy platformasi
8. Internet Archive:
Yevropailmiy platformasi bo'lib, 100 ga yaqin davlatlarda keng foydalaniladi.
9. Base Search:
Germaniya ochiq siyosat tizimiga asoslangan nufuzli xalqarojurnallar qidiruv platformasi
10. Zenodo:
Yevropa ochiq ma'lumotlar tizimiga asoslangan xalqaro ilmiy bazasi
11. Open Aire:
35 dan ortiq mamlakatda keng qo'llaniladigan Yevropailmiy platformasi
12. Google Scholar:
Olimlar h-indeksi va iqtibosligini ko'rsatuvchi asosiy ilmiy baza hisoblanib, 200 dan ortiq davlatda foydalaniladi.
13. DOI: Maqolaning unikal raqamli identifikatori
14. Open Access: Jurnallar ochiq siyosat tizimi



МА'ЛУМОТНОМА



Jurnal guvohnomasi
Tekshirish uchun
parol: 3565





SJIF = 5.961

UIF = 8.3

CERTIFICATE OF PUBLICATION

THIS CERTIFICATE IS PRESENTED TO:

Риҳсимов Комрон Абборович

IN RECOGNITION OF THE PAPER PUBLICATION OF THE
RESEARCH PAPER ON EURASIAN JOURNAL OF
LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES WITH THE TITLE:

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ


Vol. 3 No. 07 (2023): EJLFAS

12.07.2023

DATE



CHIEF EDITOR



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рихсимов Комрон Аброрович

Мустақилтадқиқотчи:

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8139147>

ARTICLE INFO

Received: 04th July 2023

Accepted: 11th July 2023

Online: 12th July 2023

KEY WORDS

Жиноят, жазо, маҳкум, вояга етмаган, таълим, касб-хунар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят содир этиб озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган маҳкумларни таълим олиши ёритилган. Судлар томонидан қўлланилган жазо чоралари. Жазо муддатини ўтаётган вояга етмаганни ҳуқуқлари ва уларни касб-хунарга ўргатиш масалалари кўрсатилган.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, профилактик ишларни ташкил этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларни илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади.

2022 йил давомида Ўзбекистон Республикасида судлари томонидан **56 542** нафар шахсларга жиноий жазолар тайинланган тайинланган бўлиб, шундан **17 610** нафариёки **31,1 фоизи** озодликдан маҳрум қилинган.¹

2022 йил давомида 3 мингдан ортиғи **вояга етмаганлар**, 31 мингга яқин **ёшлар** жиноятга қўлурган.

Шундан 2,5 мингдан ортиғи **мактаб ўқувчилари** ва 200 дан ортиғи **коллеж ва лицей**, 1 200 дан зиёди эса **олий ўқув юртлари талабалари** томонидан содир этилган.

Судлар томонидан **2 543 нафар** вояга етмаганларга доир **2 010 та** жиноятишлари кўриб чиқилиб, шундан **1 773 нафари** ёки **70 фоизи** жиноий жавобгарликка тортилган.

Хусусан, 416 нафарига **жарима**, 18 нафарига **мажбурий жамоат ишлари**, 40 нафарига **озодликдан чеклаш**, 231 нафарига **озодликдан маҳрум қилиш** жазоси тайинланган ва 122 нафари **шартли ҳукм** қилинган.²

Шу ўринда бир савол туғилади, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари озодликдан маҳрум этилгандан сўнг таълимий ўналишини қандай давом эттиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига асосан эркак вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун **тарбия колониялари** ташкил этилган.

¹ <https://stat.sud.uz/>

² <https://stat.sud.uz/>



Мазкур тарбия тарбия колонияларида ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқёшдаги маҳкумлардан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Вояга етмаган маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **87,9 фоизгача** бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Тарбия колонияларида маҳкумлар илмобайнида:

- йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;
- йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- ўн иккита посилка ёки йўқлов;
- ўн иккита бандеролиш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилиши мумкин.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибда колонияга ўтказилади.

Жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни қўллашда уларни тарбиялашга, касб ва таълим олишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг таълимолиши ва касб - ҳунар эгаллашлари бўйича ҳуқуқий кафолат мустаҳкамланди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари негизида ҳудудий **умумтаълим мактабларининг филиаллари** ва **касб-ҳунарга ўқитиш марказлари** ташкил этилди.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

биринчи, миллий ғояга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий бой, мустақил дунёқарашга эга ва мустақил фикрлайдиган баркамол шахсни шакллантириш;



Иккинчи, давлат таълим стандартлари доирасида маҳкумларнинг сифат жиҳатидан юқори даражада билим олиши ва уларни касбга тайёрлашни таъминлайдиган умумтаълим ҳамда касб-хунар таълими дастурларини амалга ошириш;

учинчи, маҳкумларни жазодан озод этилганидан сўнг жамиятга мослаштириш мақсадида меҳнат бозорида талаб этилган касбларни эгаллаши учун уларга меҳнат кўникмаларинингдиришвамуустаҳкамлаш.

Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига бўйсундирилди.

Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиалларида ўқувчи маҳкумлар сонидан қатъий назар синфлар очишга рухсат этилди.

Умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги **5 та** филиаллари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари жазони ижро этиш муассасаларихудудида жойлаштирилди.

Касб-хунарга ўқитиш марказларида маҳкумларнинг муайян турдаги ишларни бажариш учун зарур касбий билим ва меҳнат кўникмаларини эгаллашини тезлаштиришга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим бериши йўлга қўйилди.

Касб-хунарга ўқитиш марказларининг раҳбарлари, педагоглари ва бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган базавий тариф ставкаларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига татбиқ этилди.

2022 йил давомида Касб-хунарга ўқитиш марказларида **15 та** мутахассислик бўйича **27 нафар** усталартомонидан **500 нафардан ортиқ** шогирдларга (маҳкумлар) хунар ўргатилди.

Маҳкумларга асосан, тикувчи моторист, тикув жиҳозларини таъмирлаш, бичиш, бадий каштачилик, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, автомобильга техник хизмат кўрсатиш, компьютер тизимларини сошлаш, электромонтёр, пайвандлаш, сантехниквадурадгорлик билан боғлиқ хунарлар ўргатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотларнинг бошомили вояга етмаган маҳкумларни қайта жиноят содир этишини олдини олиш ва жамиятда ўз ўрнини топишга қаратилган. Шу боис, вояга етмаган шахс озодликдан маҳрум қилинса ҳам таълим олишдан тўхтаб қолмайди. 11-синфни тамомлашга қадар жазони ижро этиш муассасаларида етарли шарт-шароитлар яратилган.

References:

1. Бакаева Ф. ва бошқалар. Маҳкумлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар. – Т.: 2011. – Б. 201.



2. Турғунов И., Юлдашев М. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир А. Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 118.
3. Юлдашев М. Маҳкумлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – Б. 112.
4. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда Омбудсман ўртасида ҳамкорлик меморандуми (2021 йил 14 июнь).
5. Шамансуров А. Проблемы совершенствования законодательства системы исполнения наказаний: теория и практика. – Т.: 2011.
6. Овсянникова А., Россман Э. Пенитенциарные системы и пенитенциарные реформы в зарубежных странах. Аналитический обзор. Москва, 2017.